

«ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ»

Юсупов И.Б.

*Тошкент вилояти Оққўрғон туман 1-сон политехникуми махсус фан
ўқитувчиси Оққўрғон туман 1-сон политехникуми
махсус фан ўқитувчиси*

Бугунги кунга келиб, таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион ва педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш ва эътибор кучайиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири кеча анъанавий таълимда ўқувчиларни тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, бугунги технологиялар билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда бошқарувчанлик ва йўналтирувчанлик функциясини бажаради холос. Шунинг учун касбий таълимда малакали касб эгаларини таёрлашда замонавий ўқитиш методлари ва технологияларининг ўрни ахамиятлидир.

Педагогик технология ва педагог махоратига оид билим, тажриба ва илғор методлар ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Мавжуд илғор технологиялар педагогик жараён хамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан илғор методлардан фойдаланилади. Илғор методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш, яъни педагогик таъсир усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми хисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик хамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади.

Ўқувчини дарс давомида:

- 1-бефарқ бўлмасликка,
- 2-мустақил фикрлашга,
- 3-изланишга,
- 4-билимга бўлган қизиқишини доимийлигини таъминлашга,
- 5-қизиқишини кучайтиришга,
- 6-масалаларга ижодий ёндашишга,
- 7-хамкорликка.

Шуни айтиш лозимки, педагогик жараён, бу ўқувчини мақсадга йўналган, хар томонлама шаклланиши, хамда малакали ишчи таёрлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият шароитида маънавий ва жисмоний жихатидан камол топишидир. Бу ташкиллаштирилган ўқув-тарбия жараёни, педагоглар хамда ўқувчиларнинг ўқув-тарбия фаолиятидир. Касбий таълим муассасаларида ўқувчи хар томонлама камол топади. Улар умумтаълим, умумтехник, хамда махсус билим, малака ва кўникмаларга, шу билан биргаликда маънавий бойликка хамда одоб ахлоқ тушунчаларига эга бўладилар. Буларнинг хаммасига педагогик жараённи, мақсадга мувофиқ

ривожланишини ва шаклланишини белгилайдиган ўқитиш ҳамда тарбиялаш билан эришилади. Ўқитишни тор маънода оладиган бўлсак, бу таълимга рахбарлик қилиш демакдир, бу жараён кенг маънода эса ўқув материални ўргатиш ва ўзлаштиришни билдиради. Бир қарашда ўқитиш ўқитувчи томонидан ўқувчиларга билим беришнинг оддий жараёнидек кўринади яъни, педагог материални тушунтиради, ўқувчи эса тинглайди ва эслаб қолишга ҳаракат қилади, педагог объектларни кўрсатади, ўқувчи эса уларни кўриб англайди, педагог топшириқ беради, ўқувчи бажаришга ҳаракат қилади.

Ушбу жараён масаланинг фақатгина бир томонидир. Аслини олганда ўқитиш бу ниҳоятда мураккаб жараёндир. Ўқитишда доимо унинг икки томони, дарс бериш ва дарсни ўрганиш яққол акс этади. Ўқитувчи фаолияти бу дарс бериш бўлиб, у материални тушунтириш, ўқувчиларнинг ушбу ўқув материални ўрганиш ва билимларини амалда қўллашдаги ишига рахбарлик қилиш, уларни ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларни кузатиш ва текширишдан иборатдир. Ўрганиш эса ўқувчиларнинг ўқитувчи бошчилигидаги онгли фаолияти бўлиб, улар томонидан ўқитувчи баён қилган материални онгли равишда идрок қилиш, ўрганиладиган нарс ва ходисалар ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида фикр юритиш ва уларни умумлаштириш, билим, малака ва кўникмаларни мустахкамлаш ҳамда қўллашдан иборат.

Дарс бериш мазмунини дастурлар белгилашини, ўрганиш эса педагог томонидан йўналтирилишини инобатга олсак, у ҳолда ўқитишнинг муваффақияти дарс бериш ва ўрганиш ўртасидаги боғлиқликнинг нақадар мустахкамлигига боғлиқ дейиш мумкин. Бир жараённинг икки томони ҳисобланган дарс бериш ва ўрганиш ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Аммо икки томоннинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда ушбу жараёнда етакчи ролни дарс бериш жараёни ўтайди. Материални ўзлаштиришда муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари қай аҳволда кечаётганлигини, ўқув фанига қизиқишлари қай тарзда ҳосил қилинаётганлигини, ўқувчилар материални етарлича англашига, мустахкам сақлаб қолишга, эгаллаган билимларни қўллашга қай шароитларда эришаётганликларини билиши керак. Кишининг табиат, жамият ва кишилик тафаккури ҳақидаги билимларни, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштириш жараёни бу маълумотдир. Характерига кўра маълумот умумий ва махсус бўлади.

Касбга боғлиқ бўлмаган, ҳар бир кишида дунёқараш асосларининг шаклланишини таъминлайдиган ва ҳар қандай мутахассисликни эгаллаши учун асос яратадиган билимлар тизими умумий маълумот ҳисобланади. Мутахассисларни тайёрлашга мулжалланган маълумот эса махсус маълумотдир. У ақлий ва жисмоний тарбия билан мустахкам боғлиқ бўлиб, таълимни ҳаёт, ижтимоий фойдали меҳнат билан узвий алоқасини таъминлайди, ўқувчиларни техника, технология ва замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асослари билан қуроллантиради. Касбий

таълим муассасаларида ўқувчиларнинг махсус маълумоти уларнинг ўрта мактабда олган билими ва кўникмалари асосида қурилади.

Адабиётларда тарбия термини турли маънода қўлланилади. Тор маънода тарбия деганда тарбиячиларнинг дунёқарашилини шакллантириш ахлоқий қиёфа хосил қилиш эстетик ҳамда жисмоний ривожлантириш бўйича мақсадини кўзлаган холда олиб бориладиган иши тушунилади. Кенг маънода тарбия деганда шахс шаклланишининг барча жараёнларини ҳамда унинг ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётда актив иштирок этиш учун таёргарлигини, инсон ҳаётий йўлига таъсирини, шунингдек, таълим ва ўқитишни ўз ичига олади.

Ёш авлодни илмий билимлар билан қуролланиши, улардаги ақлий қобилият ва иқтидорларнинг ривожлантириши ақлий тарбиядан иборатдир. Ақлий тарбия ёш авлодин касб эгаллашга таёрланишнинг чинакам асосини яратади. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши кундан-кунга юксак онглик, уюшганлик ўз билимини доимо ошириб боришни талаб қилмоқда. Фан ютуқларидан фойдаланиш жамият ишлаб чиқариш кучларини ўстиришда хал қилувчи омил бўлиб қолаётди. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришида жисмоний ва ақлий меҳнат тобора уйғунлашиб, бунда ақлий меҳнат муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Касбий таълим муассасаларида ақлий қобилиятларни ўстириш таълим билан янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш билан узвий боғлиқдир. Меҳнат таълими жараёнида амалий малака ва кўникмалар хосил бўлади ва такомиллашиб боради. Меҳнат тарбиясининг моҳияти ва муқаррар мақсади меҳнатга тегишлича муносабатни шакллантириб, яъни меҳнатни инсоннинг маънавий ва жисмоний эҳтиёжига айлантиришдир. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги замон босқичида касб-хунар мактабларининг ўқувчиларида меҳнатга бўлган муносабатни шакллантириш қуйидаги вазифаларни хал этишни тақозо этмоқда.

1-ўқишга виждонан муносабатни тарбиялаш, билимларни, малака ва кўникмаларни мустаҳкам эгаллаш.

2-ижтимоий мулкни кўз қорачиғидай асраш одатини ва ўз меҳнати натижалари учун масъулият ҳиссини хосил қилиш, ўқувчиларга ишчи касбидан фахрланиш туйғусини сингдириш, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиш, материаллардан рационал фойдаланишга ўргатиш.

3-касбга муҳаббат уйғотиш.

4-меҳнат маданияти малака ва кўникмаларини сингдириш.

Ёшларни гўзалликни тўғри тушунишга, санъатни севиш ва ундан лаззатлана олишга ўргатишни эстетик тарбия вазифа қилиб қўяди. Эстетик тарбия ёшларда бадиий, ижодий қобилиятларни изчиллик билан ривожлантира бориш орқали амалга оширилади. Касбий таълим муассасаларида шахсни ҳар томонлама шаклланишига ёрдам берувчи педагогик жараён ўқувчиларда бадиий дид ва идрокни ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиради. Жисмоний тарбия инсон тарбиясининг ажралмас қисмидир. Бу шахс соғлигини мустаҳкамлаш, унинг жисмоний ва ахлоқий, иродавий

сифатларини ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган илмий асосланган тадбирлар тизимидир.

Кўп ҳолларда таълим асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Демак, таълим ўқув жараёнида белгиланган мақсадлар, мазмун, методлар, воситалар ва шакл каби методик тизим элементлари орасида узвийликка риоя қилинмайди. Натижа таълимда узлуксизлик таъминланмаслигига олиб келади. Педагогик технологияларда буларга албатта риоя қилиниши назарда тутилади.

Энди ўйлаб кўрамиз, ҳар қандай янги педагогик технологияга асосланган машғулотни ўтишда ўқувчи ёки тингловчи унинг мазмун моҳиятини тушуна билиш лозим акс холда у ўқув жараёнидаги мазкур технологиянинг фарқига бормай тушунишга бир мунча қийналади ва албатта дарс жараёнларидаги технология очилиб ўқитувчи томонидан тушунтирилмайди, фақат янгича педагогик технология схемаси асосида у ёки бу мавзу ўтилади холос. Бу ерда бир кичкинагина муаммо юзага келади. Бу муаммо ҳар бир тингловчининг шахсий, оилавий, ижтимоий муаммоларидир. Ўқувчи ўзида мавжуд муаммони билмас ёки ҳал қилмас экан унинг хаёлида ўша муаммо бўлиб машғулот иккинчи планга сурилади ва ана шу ерда педагогик психология ишга тушади ва машғулот давомидаги юз бериши мумкин бўлган барча муаммолар қисман бўлсада ҳал этилиб кетаверилади.

Мисол учун, бир ўқувчида қабул қилиш қобилияти суст ва ўқитувчи машғулотни бузмаган холда унинг билан психологик ёндашув асосида дарсни ўқитириб ўтиши лозим ва бу ҳолатда ўқитувчининг янги педагогик технологияларни қўллаши эмас, балким педагогик психологияни мукамал эгаллагани қўл келади. Ўқувчини олдин лойларга чаплаб, машғулот охирига бориб ундан қахрамон яшаш мумкин ва аксинча ва бу ҳолат ушбу ўқувчини шу дарсга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради, қачонки бундай ёндашув унутилмаслиги учун такрорланиб турилсагина.

Ўқувчилар билан ишлашда албатта унинг ижтимоий келиб чиқиши, оилавий аҳоли, шарт-шароитлар, дунёқараши ва яна бир қатор шахсий жихатларини билиш ижобий ҳолатларга олиб келади ва шу жихатларга асосланиб ўқувчиларга муносабат билдирилса натижаси ёмон бўлмайди. Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки аксинча самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатдаги ўқитиш услубини тадқиқ қилишда педагогик технология тарафдорлари айнан шу нарсани назарда тутишган эди. Ҳозирги шароитда таълим-тарбия муассасаларини ислох қилишнинг асосий йўналишлари амалга оширилаётганда асосини педагогик психология ташкил этган таълим-тарбия болаларнинг ҳар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради. Уларда ўтилган материални тез тушунишини, амалиётда қўллай

олишини, ҳисоблаш, ёзиш ва маданий хулқ малакаларининг мустаҳкам шаклланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар).- Т.:Шарқ. 1998.- 184 б.
2. Абдукаримов Х. Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования.: Автореф. дисс. докт. пед. наук.-Т.: 1997.- 46 с.
3. Беспалько В.П. Теоретические основѣ стандартизации образования // Педагогическое обеспечения государственного стандарта образования.- М.: ИРПО. 1994. с. 3-42.
4. Жўраев Р.Ҳ.РахимовБ.Х., Холматов Ш. Янги педагогик технологиялар.Муаммоли таълимга асосланган Ўқув –методик қўлланма.-Т.: Фан 2005.-66 б.
5. Илғор педагогик технологиялар. 1999 йил 8-9 апрель, илмий-назарий семинар.- Т.: 1999.- 84 б.
6. РаҳимовБ.Х. Бўлажак Ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши. Пед.фан.ном.диссертация.-Тошкент.-2005. 161б.
7. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т.: Ўз МУ. 2003.- 66 б.
8. Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари. //Таълим тараққиёти. 2001. № 3-4. 60-63 б.
9. Фарберман.Б.Л, Р.Г.Мусина. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированнѣх на ожидаемѣй результат учению и на процесс развития мѣшления. // Сб.международн. науч. трудов.-Гулистан: 2003.- 143 б.
10. Юдин.В.В. Педагогическая технология. Учеб.пособие.часть 1.Яраславль. 1997.- 48с.